

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК. 330. 115

РАҲМАНКУЛОВА БАРНА ОКТАМҲОНОВНА

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини
эконометрик тадқиқоти**

08.00.06 – «Эконометрика ва статистика»

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2006

330.115(043.3)

P-33

Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институтида
бажарилган

Илмий раҳбар -

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Беркинов Бозорбой Беркинович

Расмий оппонентлар -

Иқтисод фанлари доктори, профессор
Нуруллаев Тўхтасин Жўраевич
Иқтисод фанлари номзоди
Қорабоев Абдусаттор Рахмонович

Етакчи ташкилот -

Ўзбекистон Фанлар Академияси
«Замонавий инфорацион технологиялар»
илмий-техникавий маркази Информатика
институти


Диссертация ҳимояси 2006 йил «10» сентябр соат 9⁰⁰ да
Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01
ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзилгоҳ: 700063, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети
кутубхонасида танишиш мумкин

Автореферат 2006 йил «9» сентябр да тарқатилган

Ихтисослашган кенгаш
илмий котибаси,
иқтисод фанлари доктори,
профессор

 М.С. Қосимова

1. Диссертация ишининг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётида аграр сектор салмоқли ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ўзгартиришларни амалга оширишга катта эътибор қаратилди. Ислохотлар натижасида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида барқарор ривожланишга эришиш асосан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, навбатдаги вазифа «Қишлоқ хўжалик тармоғини янги техника билан жиҳозлаш, деҳқон меҳнати ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда у билан боғлиқ бошқа соҳаларни такомиллаштириш ва бевосита иқтисодий самарани ошириш масалалари ғоят муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам моликдир¹». Шуларни ҳисобга олиб республика ҳукумати қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини бозор муносабатларига мослашувини тезлаштириш, улар ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қамровли катор чоратadbирларни амалга оширмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини ишончли таъминлашнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари яратилган, шу асосда тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналар, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти жойларда ана шу мақсадларни амалга оширишга бўйсиндирилган.

Амалга оширилган тadbирлар натижасида республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ошмоқда, хўжаликларга техника, ўғит, ёнилғи ва бошқа ресурслар етказиб бериш яхшиланмоқда, уларни қўллаб-қувватлаш кенгаймоқда. Аммо шуларга қарамадан мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлиги аксарият хўжаликларда паст даражада қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари бўлиб пахта-беда алмашлаб экиш тизимини ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини бузилишлари, агротехнологик талабларга риоя қилмаслик туфайли ҳосилдорлик пасайиши, пахта харид нархлари даражасининг етарлича асосланмаганлиги ҳамда айрим туман ва хўжаликларда пахта экин майдонларининг қисқариши ҳисобланади.

Пахта ҳосилдорлигининг пастлиги ишлаб чиқариш харажатларининг ортишига ва пировардида унинг таннархини ўсишига олиб келади. Шу боис республикадаги кўпчилик пахтачилик хўжаликлари зарар кўриб ишламоқда. Шуларни ҳисобга олганда бозор муносабатлари шаклланиши шароитида пахта етиштирувчи хўжаликларда ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасини белгилаб берувчи омилларни эконометрик таҳлил қилиш ва улар ўзгаришини моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш бугунги кундаги муҳим долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида аграр соҳани ислох қилиш, янги мулкчилик

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмақда». Тошкент, Ўзбекистон, 1999й., 43-бет

муносабатларини шакллантириш, кўп укладли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, жумладан пахтачилик самарадорлигини оширишнинг илмий ва амалий муаммолари кўплаб иқтисодчи олим ва мутахассислар ишларида тадқиқ этилган ва тавсиялар асослаб берилган. Улар қаторига Р.Абдуллаев, А.Жўраев, Р.Хусанов, Э. Трушин, Ф.Назарова, Э.Юсупов, Н.Хушматов, С.Тожиев ва бошқалар илмий ишларини киритиш мумкин.

Аграсаноат мажмуи, унинг корхона ва тармоқларини ривожлантириш ва бошқариш жараёнларини моделлаштиришнинг илмий-методологик ва услубий асослари В.Қобулов, С.Фуломов, А.Абдурахимов, В.Абдураззақов, Б.Беркинов, С.Ортиқова, Б.Отаниёзов, Т.Нуруллаев, Т.Шодиев, Қ.Сафаева, А.Қорабоев, Н.Ўрманов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилган. Шу билан бир қаторда янги аграр муносабатлар шаклланиши шароитида пахтачилик хўжаликларини нормал рентабеллигига, ўзини-ўзи молиялашга, ўз харажатларини оқлашга эришиш муаммоси билан узвий боғлиқ бўлган ресурслардан фойдаланиш, пахтачилик хўжаликларининг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш, улар тўловчанлик қобилиятини баҳолаш, нархларни асослаш ва пахта сифатини бошқаришнинг айрим услубий масалалари иқтисодий-математик усулларни қўллаган ҳолда ҳозиргача етарлича ўрганилмаган ва махсус тадқиқотни талаб қилади. Булар ушбу диссертация ишининг асосий мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур диссертация тадқиқотининг мақсади – янги аграр муносабатлар шаклланиши шароитида пахта ишлаб чиқарувчи хўжаликлар молиявий - иқтисодий аҳволини эконометрик таҳлил қилиш ва пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш усуллари ва моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Қўйилган мақсадларга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни таҳлил этиш;
- хўжаликлар ихтисослашувининг таркибий ўзгаришидаги тенденцияларни аниқлаш, улар самарадорлигига баҳо бериш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий-молиявий хўжалик фаолиятининг натижаларини баҳолашнинг эконометрик моделини ишлаб чиқиш;
- пахта хомашёси давлат харид нархининг оптимал даражасини шакллантиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш;
- пахта хомашёси ишлаб чиқаришда пахтачилик хўжаликлари ва енгил саноат манфаатларини боғлашнинг иқтисодий усулларини таклиф этиш;
- пахтачиликка ихтисослашган қишлоқ хўжалиги корхоналари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети бўлиб янги аграр муносабатлар шароитида пахтачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнларини моделлаштириш ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг асосий объекти сифатида Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманининг пахтачиликка ихтисослашган хўжаликлари танлаб олинган. Бу ҳол, биринчи галда, хўжаликларнинг қатор йиллардаги фаолияти ҳақида батафсил маълумотларни олиш имконияти билан шартланади. Бундан ташқари, мазкур ишда Тошкент вилояти ва бутун Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги пахта хомашёсига давлат буюртмаси мавжудлиги шароитида пахтачиликдан зарар кўриб ишлайдиган хўжаликларнинг иқтисодий ночорлигига барҳам бериш ва уларни барқарор ривожлантириш, пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий - иқтисодий механизмларини эконометрик моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:

- пахтачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг услубияти ва эконометрик моделлари асосланган.
- пахтачиликда рентабелликнинг оптимал даражасига эришиш учун пахта хомашёсига объектив шартланган харид нархларини шакллантиришнинг математик модели ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.
- энгил саноат талабларини қондирувчи пахта хомашёсини тайёрлашнинг оптимал таркибини шакллантириш мақсадида тола турлари бўйича амалдаги пахта хомашёси харид нархларига тузатишлар киритиш модели ва алгоритмлар тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда тавсия этилган пахтачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини баҳолашнинг эконометрик модели ва алгоритмлари турли тоифага кирувчи ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарининг ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ва молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Пахта хомашёси харид нархларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган модел нархни шакллантиришга янгича ёндашув ҳисобланади, унинг асосий қондалари бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларини шакллантириш амалиётида фойдаланилиши мумкин.

Тола турлари бўйича пахта хомашёсининг амалдаги харид нархларига таклиф этилаётган тузатувчи коэффициентларни ҳисоблаш модели пахтачилик ва энгил саноатнинг иқтисодий ва технологик манфаатларини боғлашга нисбатан янгича ёндашув ҳисобланади. Улар пахта хомашёсининг энгил саноат учун зарур бўлган сифат даражасида етиштирилишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларини амалга жорий этиш. Диссертацияда ишлаб чиқилган пахтачилик хўжаликлари молиявий-иқтисодий фаолиятини баҳолаш, пахта харид нархларини шакллантириш моделлари, услубий тавсиялар ва ҳулосалар Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилояти вакилиги бошқармаси томонидан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи иқтисодий шарт-шароитларни яратиш

тадбирларини асослашда қўллаш учун қабул қилинган (маълумотнома №01-10/01-12,20 июл 2005 й.).

Корхоналарни молиявий-иқтисодий фаолиятини баҳолаш, пахта харид нархларини ва хомашёси тайёрлашнинг оптимал таркибини шакллантириш моделлари қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимларида янги ахборот технологияларини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларидан пахтачилик соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларда, аграр соҳа учун Олий ўқув юр்தларида иқтисодчи мутахассислар тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш. Диссертациянинг илмий-амалий натижалари ЎзР ФА Кибернетика ИИЧБ да ўтказилган «Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари» (2002 й.), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги инженерлари институтида ўтказилган «Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотларини бозор муносабатларига ўтказиш» (2002 й), Тошкент Давлат аграр университетига ўтказилган «Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана» (2003 г.), 16-,17-,18-,19-Плеханов ўқишлари Халқаро ҳамда Республика илмий ва илмий-амалий конференцияларида, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Тошкент давлат аграр университети, Агросаноаг мажмуида бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти илмий семинарларида ҳамда Тошкент Давлат иқтисодий университетини Муаммовий-мувофиқлаштириш кенгашида муҳокама этилган ва маъқулланган. Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари Тошкент ирригация ва мелиорация институти «Ахборот технологиялари» кафедрасининг илмий ишлари ҳисоботларига киритилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар. Тадқиқот натижалари умумий ҳажми 2,7 босма табоқдан иборат 11 та илмий ишда чоп этилган, улардан 3 таси илмий журналларда.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми жами 150 бет, шундан 14 та жадвал ва диаграммалар, 8 та илова ва 102 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, шунингдек унинг усуллари ва объектлари асосланган.

Диссертация ишининг «**Пахта ишлаб чиқарувчи хўжаликлар молиявий-иқтисодий аҳволининг таҳлили**» деб номланувчи биринчи бобида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг ҳозирги аҳволи тавсифланган, ерлар сифатининг ўзгариши муаммолари ва уларни ихтисослаштиришдаги таркибий силжишлар, қишлоқ хўжалигида пахта ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг ўрни ва роли ҳамда иқтисодий самарадорлиги баҳоланган. Таҳлил асосида пахтачилик хўжаликлари фаолиятидаги муаммолар ва улар ихтисослашувининг юзага келган даражасига баҳо берилган.

Диссертациянинг «**Пахтачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самарадорлиги**» деб номланган иккинчи бобида ерларнинг сифатини оширишда ва пахта ҳосилдорлигини кўтаришда алмашлаб экишнинг ролига баҳо берилган. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий

барқарорлигини аниқлаш услубияти келтирилган ва Ўрта-Чирчиқ тумани пахтачилик хўжалиklarининг тўловчанлик қобилияти ва молиявий барқарорлик ҳолати баҳоланган. Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва уларнинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигига таъсири таҳлил қилинган.

Илмий ишнинг «**Пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва пахтачилик хўжалиklarини ривожлантириш йўллари асослаш**» деб номланган учинчи бобда пахта хомашёсининг объектив шартланган нархини шакллантириш модели таклиф этилган, енгил саноатнинг талабларини инобатга олган ҳолда пахта хомашёси тайёрлаш сифатини бошқаришнинг иқтисодий механизми ишлаб чиқилган. Пахтачилик хўжалиklarини истиқболда ривожлантириш ва самарали фаолият юригиш йўналишлари бўйича тавсиялар асосланган.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, хулоса ва таклифлар берилган.

2. Диссертациянинг мазмуни

1. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида мулкый муносабатлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида кўп укладли аграр иқтисодиёт шаклланди. Жамоа хўжалиklари ва совхозлар қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкатларга) қайта ташкил этилди, улар билан бир қаторда фермер ва деҳқон хўжалиklари ривожлантирилди. Ўтган 2004 йилда қишлоқ хўжалигида 103,9 минг фермер¹, 4,5 млн деҳқон ва 1550 та йирик ширкат хўжалиklари фаолият кўрсатди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми шу даврда амалдаги нархларда 4732,0 млрд. сўми ташкил қилди, бу эса 2003 йилга нисбатан 10,1% га кўпдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 53,7%, чорвачилик маҳсулотлари 46,3% ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг хўжалиklarнинг тоифалари бўйича тақсимланиши шунини кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжалиklarининг янги маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши пасаймоқда, фермер хўжалиklarининг улуши эса ортмоқда. Бу тенденция Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида» ги Фармонининг асосий қондаларига мос келади, унда фермер хўжалиklarини ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган, улар келажақда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосий ишлаб чиқарувчиси бўлмоғи лозим.

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини, шу жумладан пахта хомашёсини ишлаб чиқариш кўплаб хўжалиklarда салбий рентабелликка эга ва бундай шароитда моддий харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қопланишга имконият бўлмайди. Шунинг учун ўз харажатларини қоплашга эришиш муаммоси билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари


мамлакатнинг бутун иқтисодийтидаги тўланмасликлар муаммоси ҳам боғлиқ. Тўловсизликлар заңжирисидаги асосий бўгин фикримизча, айнан қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дебиторлик қарздорлигидан бошланади. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда тўловсизлик ва уни келтириб чиқараётган омиллар таҳлил қилинган.

Ерлар мелиоратив ҳолатининг сифатидаги салбий ўзгаришлар республикада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига ва ўз навбатида экин майдонлари таркибининг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатди, бу қишлоқ хўжалиги иқтисослашувининг ўзгаришидаги тенденцияни тавсифлайди. Ғалла экинлари экиш учун майдонлар 1993 йилдаги 1198,4 минг гектардан 2004 йилда 1666,5 минг гектаргача кўпайди. Пахта экиш учун майдонлар эса ушбу даврда 1690,4 минг гектардан 1455,7 минг гектаргача пасайди. Озуқа экинларини экиш қариб уч ярим мартага қискарди (1-расм).

Экин майдонларидаги таркибий силжишлар шунга олиб келдики, пахта экиш улуши ушбу даврда 42,6 фоиздан 40,1 фоизгача пасайди. Айни пайтда ғалла экинлари улуши республикадаги умумий экинлар майдонида 1993 йилдаги 30,2 фоиздан 2004 йилда 45,9 фоизгача ўсган.

1-расм

Ўзбекистон Республикасида 1993-2004 йилларда экинлар майдонларининг ўзгариши (минг га)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси маълумотлари.

Тошкент вилоятининг қишлоқ хўжалигида ҳам Ўзбекистон Республикасининг бутун қишлоқ хўжалигидаги каби жараён кечмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, суғориладиган ерлардаги ҳамма экинлар майдонида ғалла экинларининг улуши 1998 йилдаги 41,2 фоиздан 2004 йилда 43,0 фоизгача ўсган. Пахта экиш улуши эса ушбу даврда 33,9 дан 33,5 фоизгача пасайган. Сўнги йиллар мобайнида экин майдонлари таркибининг ўзгаришидаги тенденцияларни инобатга олиб, шундай хулосага келиш мумкинки, Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалигининг иқтисослашуви бир мунча ўзгармоқда. Вилоятда экин майдонлари таркибининг ўзгаришида экинлар ҳосилдорлигининг ўзгариши муҳим рол ўйнади. Пахтанин

ҳосилдорлиги вилоятда 1991 йилдаги ҳар гектардан 27,0 центнердан 2004 йилда гектаридан 21,7 центнергача пасайди.

Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинни ҳосилдорлигининг пасайиши даромадлиликиннинг пасайишига ва ҳатто улибу экиндан зарар кўришга олиб келади. Бундай шароитда деҳқонлар, табиғийки, пахта экишни қисқартиришга ва ўз навбатида самарали экинлар экишни кенгайтиришга имкон қадар ҳаракат қилади.

Ўрта-Чирчиқ туманида ҳам, Тошкент вилояти ва умуман республикадаги каби пахта ҳосилдорлиги пасайишининг умумий қондаларидан мустасно эмас (1-жадвал). Туманда пахтанинг ҳосилдорлиги йилдан йилга пасайиши кузатилмоқда, айни пайтда эса бўғдой ва шолининг ҳосилдорлиги доимий равишда ўсмоқда. Туманда пахта ҳосилдорлиги 2000 йилда 22,9 центнердан 2004 йилда 21,9 центнергача пасайди.

1-жадвал.

Ўрта-Чирчиқ туманида экинлар ҳосилдорлиги динамикаси* (ц/га)

Экинлар	Йиллар					2004 йилда 2000 йилга нисбатан, %
	2000	2001	2002	2003	2004	
Пахта	22,9	20,6	21,3	21,3	21,9	95,6
Бўғдой	31,7	37,3	45,6	39,0	39,0	123,0
Шоли	36,7	36,6	44,1	39,3	40,0	109,0

*Маъна: Ўрта-Чирчиқ тумани статистика бўлими маълумотлари.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, пахта ҳосилдорлигини пасайиб кетишининг асосий омилларидан бири бўлиб суғориладиган ерлар унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва деҳқончиликни юритишнинг ташкилий-агротехник камчиликлари ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда пахтачилик хўжаликларида пахта-дон-беда алмашлаб экишни жорий этиш ва шу билан боглиқ ҳолда хўжаликларда чорвачилик тармоқларини, хусусан қорамолчиликни ривожлантириш бўйича тавсиялар асосланган.

2. Қишлоқ хўжалигида оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг зарур шарти бўлиб, харид нархларининг ишлаб чиқариш харажатларини қоплаши ва хўжалик ҳисобида ишлаш учун зарур бўлган миқдорда фойда олишни таъминлайдиган даражаси ҳисобланади. Яъни ҳар қандай қишлоқ хўжалиги корхонаси ўз харажатларини қоплайдиган ва ўзини ўзи молиялайдиган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўз харажати қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш шартлари фақатгина, рентабеллик даражаси қулай даражада бўлган ҳолларда бажарилиши мумкин. Рентабеллик даражаси нолга тенг бўлганда ҳам ишлаб чиқариш харажатларининг тўлиқ қопланиши таъминланган бўлади, лекин бу оддий такрор ишлаб чиқариш мумкинлигини англабмайди.

Шуларни ҳисобга олганда, аграр секторни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг барқарорлашувини ва ўсишини таъминловчи иқтисодий шарт-шароитларни кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини чуқур ва ҳар

томонлама таҳлил қилиш талаб этилади. Бу корхонанинг тўлов қобилияти нуқта назаридан унинг ишончилигига баҳо бериш, молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги корхонаси молиявий барқарорлиги даражасининг мезони сифатида Д. Эпштейн томонидан тақлиф этилган¹ молиявий маблағларнинг етарлилик коэффициенти кўрсаткичларидан (**K1s**) фойдаланиш мумкин. Ушбу коэффицент корхонанинг моддий харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда тушумлар ҳисобидан ўзининг омилий харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплай олиш имкониятларини таърифлайди, яъни

$$K1s = \frac{T - M X}{M X T + I A + A_m},$$

бу ерда **K1s** - қишлоқ хўжалиги корхонасининг молиявий барқарорлик даражаси, **T** - тушум, **MX** - моддий харажатлар, **MX T** - меҳнатга ҳақ тўлаш, **IA** - иш ҳақи учун ижтимоий ажратмалар, **A_m** - амортизация.

K1s коэффицентининг миқдори тушумдан моддий ресурслар харажатлари чиқариб ташланганидан сўнг корхонада ижтимоий тўловлар ва амортизация ажратмалари билан бирга иш ҳақини тўлаш учун маблағлар етарли ёки етарли эмаслигини кўрсатади.

K1s кўрсаткичи билан бир каторда хўжаликларнинг сифат жиҳатдан фарқланувчи гуруҳларини аниқлаш учун таннархга нисбатан рентабеллик кўрсаткичидан фойдаланишни тавсия этамиз. У қуйидача ҳисобланади:

$$R = \frac{T - T_n}{T_n} \times 100,$$

бу ерда **R** - рентабеллик даражаси, %, **T** - маҳсулотни сотишдан тушган тушум, минг сўм, **T_n** - сотилган маҳсулотнинг таннархи, минг сўм.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб, пахтачилик хўжаликларини гуруҳларга қуйидаги модификациялаштирилган алгоритм бўйича тақсимлаш тавсия этилади, яъни:

1-гуруҳ : $K1s \geq 1,5$ & $R \geq 15$

2-гуруҳ : $1,2 \leq K1s < 1,5$ & $15 > R \geq 10$

3-гуруҳ : $K1s < 1,2$ & $R < 10$

Ушбу тавсия этилаётган алгоритм молиявий-иқтисодий аҳволи даражаси ва фаолият кўрсатиш усуллари бўйича сифат жиҳатидан фарқланувчи хўжаликлар гуруҳлари ҳақида маълумотлар олиш учун ишлаб чиқилган. Бундай гуруҳлашларнинг маъноси қуйидагилардан иборат.

Биринчи гуруҳга уларда сотувдан тушган тушумдан фойдаланилган моддий ресурслар ҳақи тўланганидан сўнг барча омилий харажатларни қоплаш учун етарлича маблағлар қоладиган пахтачилик хўжаликлари кирган. Мазкур хўжаликларда ялпи даромад ижтимоий тўловлар ва амортизация ажратмалари билан бирга иш ҳақини тўлаш учун маблағлар умумий суммасидан бир ярим марга қўп, шунингдек уларда рентабеллик даражаси камида 15 фоиз. Ушбу хўжаликлар ҳеч бўлмаганда оддий такрор ишлаб чиқаришни, уларнинг

¹ Д. Эпштейн. Различия в финансово-экономическом состоянии сельхозпредприятий // Международный сельскохозяйственный журнал. 2001, №5, с. 21-41.

кўпчилиги эса ҳатто кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга қодир. Шунинг учун хўжаликларнинг ушбу гуруҳини «аъло» деб номлаш мумкин.

Иккинчи гуруҳга нафақат оддий такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишга қодир бўлган, балки омилий харажатларни қоплаш учун, шунингдек энг кам даражадан паст бўлмаган миқдорда иш ҳақини тўлаш учун етарли маблағларга эга бўлган хўжаликлар кирган. Хўжаликларни мазкур гуруҳини «қулай» деб номлаш мумкин.

Учинчи гуруҳга ўз моддий харажатларини қоплашга ҳали қодир бўлган, лекин ўзининг омилий харажатларини тўлиқ ҳажмда қоплай олмайдиган хўжаликлар кирган. Шунинг учун уларда ё ортиқча ходимларни қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини камайтириш ёхуд сафдан чиқувчи асосий фондларни қоплаш харажатларини камайтириш йўли билан фаолият кўрсатиш стратегиясини танлаши керак. Ёки хўжаликларнинг ушбу гуруҳи моддий ва амортизация харажатларини қисман қисқартириш бўйича аралаш стратегиясини танлаши лозим. Мазкур гуруҳ хўжаликларининг ичида тўлиқ зарар кўриб ишлаётганлари ҳам мавжуд. Хўжаликларнинг ушбу гуруҳини «ноқулай» деб тавсифлаш мумкин.

Ўрта Чирчиқ тумани пахтачилик хўжаликларини тавсия этилган алгоритмдан фойдаланиб 2002 ва 2004 йиллар маълумотлари асосида гуруҳлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўрта - Чирчиқ тумани пахтачилик хўжаликларининг молиявий барқарорлик даражаси*

Гуруҳлар	2002й			2004й.		
	Хўжалик лар сони	Ўртача Kls	R	Хўжалик лар сони	Ўртача Kls	R
1. $Kls \geq 1,5$ (аъло)	5	1,6	(+19,3)-(+51,6)	-	-	-
2. $1,2 < Kls < 1,5$ (қулай)	5	1,36	(+10,2)-(+17,2)	3	1,32	(+8,7)-(+30,0)
3. $Kls \leq 1,2$ (ноқулай)	7	1,19	(-0,4)-(-9,2)	12	0,9	(-47,1)-(-8,7)
Туман бўйича	17	1,35	+13,1	15**	0,71	-8,2

*Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

** Зарар кўриб ишлаётган 2 та хўжалик фермер хўжаликларига айлантирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2002 йилда туман хўжаликларида Kls коэффиценти бирдан юқори кийматга эга бўлган. Бу эса туманда шу даврда молиявий-иқтисодий барқарорлик даражаси анча юқорилигидан далолат беради. Ўтган 2004 йилда 15 та хўжаликдан фақат 3 та хўжаликда Kls коэффиценти бирдан юқори кийматга эга. Уларда рентабеллик даражаси (R) 8,7 дан 30% гача ўзгариб турибди. Қолган 12 та хўжаликда эса Kls коэффиценти 0,12 дан 0,97 гача. Бу шундан далолат берадики, туманда пахтачилик хўжаликлари молиявий-иқтисодий аҳволи ноқулай ҳолатга тушиб қолган. Диссертацияда шуларни ҳисобга олиб, хўжаликларда амортизация, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий харажатлар сиёсатларини тартибга солиш ва пахтанинг харид нархини ошириш зарурлиги асосланган.

3. Ишлаб чиқариш самаралорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири экин ҳосилдорлиги ҳисобланади ва унга кўплаб омиллар таъсир этади. Шунини ҳисобга олиб диссертацияда ҳосилдорликка ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини таҳлил қилишда барча омилларнинг ўзаро умумий боғлиқлигини эътиборга олган ҳолда, алоҳида олинган ҳар бир омил таъсирининг миқдорий кўрсаткичини аниқлаш лозимлиги асосланган. Қўйилган ушбу вазифани коорреляцион-регрессион усуллар билан пахта ҳосилдорлигининг бир омили ва кўп омили эконометрик моделларини тузиш орқали ҳал этилди.

Пахта ҳосилдорлигининг кўп омили модели (Y) га қуйидаги омиллар киритилди: x_1 – ернинг ўртача баҳоси, бонитет балли; x_2 – сарфланган минерал ўғитлар ҳажми, ц.ҳ.м./га; x_3 – меҳнат сарфи, одам-соат/га; x_4 – иш ҳақи, сўм/га. Масала кўп омили чизикли модел бўйича ечилди. Натижада регрессиянинг қуйидаги тенгламаси олинди:

$$Y = 17,7 + 0,18x_1 + 0,73x_2 - 0,035x_3 + 0,02x_4.$$

Омилларнинг ўзаро боғлиқлик коэффиценти - $R = 0,78$. Моделда барча танлаб олинган омиллар пахта ҳосилдорлиги билан жипс боғланишга эга. Буни кўплик корреляция ва детерминация коэффицентларининг юқори қийматга эга эканлиги тасдиқлайди ($D=0,425$). Бу пахта ҳосилдорлигининг тахминан 42,5 фоизга ўзгариши тадқиқ этилаётган омилларнинг таъсири билан шартланган деган хулосага келиш имконини беради.

Пахта ҳосилдорлиги ҳажмининг иш ҳақи даражасига боғлиқлигини аниқлаш учун биз Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ тумани пахтачилик хўжаликларининг маълумотлари мисолида пахта ҳосилдорлиги даражаси ва 1 одам-соатга иш ҳақи тўлаш даражаси ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этдик. Ушбу жуфт боғлиқликнинг регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = 12,05 + 0,066x,$$

бу ерда, Y – пахтанинг ҳосилдорлиги, ц/га, x – иш ҳақи даражаси, сўм/одам-соат.

Олинган модел асосида иш ҳақининг юзага келган даражасида пахта ҳосилдорлигининг назарий жиҳатдан эҳтимол тутилаётган миқдорини аниқлаш мумкин. Масалан, А.Икромов номли хўжаликда бир одам соат учун 282, 2 сўм ҳақ тўлаш даражасида пахта ҳосилдорлиги 30,7 ц/га ни ташкил қилиш лозим эди, бироқ амалда пахта ҳосилдорлиги мазкур хўжаликда 27 ц/га ни ташкил қилади. Эҳтимол қўтилган ҳосилнинг етиштирилмаганлигига ушбу моделда ҳисобга олинмаган бошқа омиллар таъсир кўрсатишидир.

Ушбу регрессия тенгламаси озод ҳадининг қиймати шундан далolat берадики, иш ҳақи учун энг кам харажатлар амалга оширилганда пахтанинг ҳосилдорлиги 12,05 ц/га ни ташкил қилиши мумкин. Яъни пахта ҳосилдорлигининг ушбу ҳажмини Ўрта-Чирчиқ тумани шароити учун 1 гектардан олинadиган биологик, потенциал эҳтимоллий пахта ҳосили сифатида тавсифлаш мумкин.

4. Бозор иқтисодиёти фаолият кўрсатишининг асосий талаблари ва шартларидан бири – бу эркин нархлардир. Лекин жаҳонда нарх-наво тартибга солинмайдиган бирорта ҳам давлат топилмайди. Ҳар қандай корхонанинг молиявий аҳволи ишлаб чиқариш харажатлари ва қиймат ифодасида олинган

натижаларни ўлчаш орқали зиякланади.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда юзага келган ҳозирги молиявий аҳвол қишлоқ хўжалигини молиялаш ва кредитлаш тизимидаги камчиликлар натижасида содир бўлмай, балки нозквивалет тармоқлараро алмашув ва нарх – навонинг номутаносиблиги туфайли келиб чиққан. Нархлар, бир томондан ҳозирги кунда марказлашган тарзда тартибга солинмаяпти, иккинчи томондан эса – пахтага давлат нархлари белгиланаётганлиги билан бир қаторда қишлоқ хўжалигида ресурслар яъни, техника, ўғит, ЁММ ва бошқаларнинг нархи эркинлаштирилган.

Нархнинг шаклланишидаги номувовфиқлик иқтисодиёт тармоқларида такрор ишлаб чиқаришнинг тенгсиз иқтисодий шароитларини, тармоқлараро нозквивалент алмашувни келтириб чиқаради, бу пировардида саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасида дебитор-кредитор қарзларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Шуларни ҳисобга олганда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида пахтачиликнинг молиявий барқарорлигини ва унинг иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан тенг алмашувини таъминловчи муҳим йўналиш бўлиб пахта хомашёсининг илмий жиҳатдан асосланган нархини шакллантириш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, диссертацияда нархларни шакллантиришнинг назарий ва услубий асослари тадқиқ этилган ва пахта нархларини шакллантиришда тармоқлараро баланс моделидан фойдаланиш ёндашуви асосланган.

Ушбу моделнинг асосий устунлиги шундан иборатки, унинг ёрдамида иқтисодиётдаги барча тармоқлар маҳсулотлари нархларининг ўзаро мувозанатлашувини таъминлаш мумкин. Нархларнинг тармоқлараро боғлиқлиги иқтисодий-математик моделнинг асосий афзалликларидан бири бўлиб бир тармоқда нархлар ўзгаришининг бошқа тармоқлардаги улар даражасининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш ва шу асосда нархни шакллантириш борасидаги у ёки бу сиёсатни амалга оширишда энг мақбул қарорлар қабул қилиш мақсадида эксперимент ўтказиш имконияти ҳисобланади. Нархлар тенгламаси маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тармоқлараро баланси I ва III квадрантларининг ўзаро нисбатидан чиқарилиши мумкин.

Нархларнинг тармоқлараро боғлиқлиги модели чизиқли тенгламалар тизими орқали ҳисобланади ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$P_j = \sum_{i \in I} a_{ij} P_i + r_j, \quad j \in J,$$

бу ерда, P_j – j турдаги маҳсулот бирлиги нархи, a_{ij} – i турдаги маҳсулотнинг j турдаги маҳсулот бирлигига бевосита харажатларининг коэффиценти, r_j – маҳсулотнинг бирлигига тўғри келадиган нарх элементлари. Бунда $r_j = s_j + v_j + m_j$, s_j – амортизация, v_j – меҳнатга ҳақ тўлаш, m_j – қўшимча маҳсулот.

Нархларнинг тармоқлараро боғлиқлигининг ушбу модели нархлар шаклланишининг турли омиллари ва шартларини ҳисобга олувчи мувозанатлашган нархларни ҳисоблаш учун фойдаланилиши мумкин.

Диссертацияда мазкур модел асосида пахта харид нархини шакллантириш услубияти таклиф этилган.

Республика ширкат хўжалиklarининг пахтачиликдан кўрилган зарарлари 1998 йилда 27190 млн. сўмни, 2003 йилда 50825 млн. сўмни ташкил қилди. Пахтанинг ўртача сотилиш нархи 1998 йилдаги 1 тонна учун 23,5 минг сўм бўлган бўлса, 2003 йилда бу 193,2 минг сўмни ташкил этди, ёки шу даврда пахта нархи 8,2 баробар ошди. Ширкат хўжалиklари бўйича 1 тонна пахта хомашёсининг ўртача таннархи эса ушбу даврда тегишлича 33,2 минг сўмдан 222,7 минг сўмгача ўсган.

Булар шундан далолат берадики, пахта таннархи даражаси сотиш нархидан ҳамон юқорилигича қолмоқда. Таннархнинг 1 тонна пахта-хомашёсининг сотилиш нархидан юқори бўлиши Ўрта-Чирчиқ тумани бўйича ҳам кузатилади.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда пахтанинг объектив шартланган харид нархини шакллантириш учун Ўрта-Чирчиқ тумани пахтачилик хўжалиklари маълумотлари таҳлил қилинган ва юқорида тавсия этган ёндашув доирасида пахта харид нархи моделининг асосий кўсаткичлари асосланган. Бир тонна пахта хомашёсининг нархини ҳисоблашнинг тавсия этилган услубиятида меҳнатга ҳақ тўлашнинг солиштирма харажатлари (V) асосий ҳад ҳисобланади. Нархнинг қолган ҳадлари объектив юзага келган ёки талаб этиладиган ўзаро нисбатлар асосида ҳисоблаб чиқилади, яъни:

$$P = c/v * V + V + 0.43 * V + (c/v * V + V_1) * 0.2,$$

бу ерда P – 1 тонна пахта хомашёсининг нархи, сўм, c/v – пахтачиликда сармоянинг органик тузилиши, V – 1 тонна пахта хомашёсига ҳисобланган меҳнат ҳақи, сўм, **0,43** – ижтимоий сугурта ва пенсия фондида ажратмалар меъёри, **0,2** – пахтачиликда рентабелликнинг меъёри, $V_1 = V + 0.43 * V$.

Ушбу модел бўйича ҳисоб - китоблар шуни кўрсатдики, 2003 йилдаги иқтисодий шароитлар учун республикадаги барча пахта етиштирувчилар учун 1 тонна пахта хомашёси ўртача нархининг объектив шартланган даражаси **195603 сўмни** ташкил қилиши керак эди. Агар пахтачиликда нарх-наво вазияти ва меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ўзгарса, у ҳолда тавсия этилган модел асосида ҳисоб-китобларга тегишли тузатишлар киритиш зарур.

5. Маълумки, республиканинг пахтачилик хўжалиklари ҳозиргача ўз майдонларида ғўзанинг нисбатан юқори ҳосил берадиган селекция навларини экишмоқда. Бу ҳамма вақт ҳам енгил саноат ва пахта толасини экспорт қилиш талабларига жавоб бермайди. Бизнингча, бунга сабаб шуки, тола турлари бўйича пахта хомашёсининг харид нархи енгил саноат ва пахта етиштирувчилар манфаатларини уйғунлаштирамайди. Агар енгил саноат пахта хомашёсининг харид нархини белгилашда якуний истеъмол талабларидан келиб чиққан ҳолда иштирок этганда эди, енгил саноат ва пахтачилик корхоналарининг манфаатлари бир-бирига мос келган бўлар эди.

Бизнинг фикримизча, енгил саноат пахта толаси экспорти эҳтиёжларини ҳисобга олиб, зарур ҳолларда, сифатли якуний маҳсулот ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пахта хомашёсини етиштириш ва тайёрлаш таркибига таъсир кўрсатиши мақсадида, пахта хомашёси харид

нархларининг амалдаги прејскурантига тузатиш коэффициентлари тизимини ишлаб чиқилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда тасдиқланган прејскурантга республика энгил саноати ва экспорт талабларини ҳисобга олувчи тузатувчи коэффициентларни ҳисоблаш бўйича услубий қоидалар ишлаб чиқилди. Бунинг учун 2004 йилда тайёрланган пахта хомашёсининг тола турлари ва уларга нисбатан мамлакат ичида ва хорижий истеъмолчиларда бўлган эҳтиёжлар бўйича юзага келган таркибини кўриб чиқдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистонда пахта хомашёсини тайёрлаш таркиби, (%)

Толанинг тури	Амалдаги таркиб ¹ (П _ф)	Эҳтиёж ² (П _р)	Фарқ (П _р -П _р)
Биринчи	-	3,0	-3,0
Иккинчи	-	2,0	-2,0
Учинчи	1,2	5,0	-3,8
Тўртинчи	25,3	25,0	+0,3
Бешинчи	73,5	65	8,5
Олтинчи	-	-	-
Жами	100	100	-

¹КХС 12-шакл. 2004 йил ҳосили бўйича пахта хомашёсини тайёрлаш.

²Ички эҳтиёж ва экспортни ҳисобга олган ҳолда энгил саноат маълумотларини таҳлил қилиш асосида эксперт усулида баҳолаш.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, биринчи ва иккинчи тур толали пахта хомашёсига нисбатан нафақат мамлакат ичида, балки чет элда ҳам талаб катта бўлишига қарамай, улар республикада етиштирилмайди. Тўртинчи турдаги тола улуши бўйича юзага келган таркиб, саноат эҳтиёжи билан деярли мос келади. Айни пайтда эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда бешинчи тур толали пахтанинг улушини 73,5 фоиздан 68 фоизгача камайтириш зарур. Олтинчи тур тола берадиган пахта нави эса республикамизда ишлаб чиқарилмайди ва унга нисбатан талаб йўқ.

Шулардан келиб чиққан ҳолда энгил саноат мазкур ҳолатда биринчи ва учинчи тур толали пахта хомашёсини тайёрлаш ҳажмини оширишнинг рағбатлантирилишига таъсир кўрсатиши ва бешинчи тур толали пахта хомашёсини тайёрлаш ҳажмини чегаралаши лозим. Уларни ҳисобга олиб диссертацияда тузатувчи коэффициентларни ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилди ва улар қуйидаги кўринишга эга.

i-тур тола берадиган пахта хомашёсини ишлаб чиқаришни оширишни рағбатлантириш учун хомашё харид нархини оширувчи тузатиш коэффициентини ҳисоблашда қуйидаги алгоритмдан фойдаланиш мумкин:

$$K_i = \frac{C_i + (C_{i-1} - C_i) \times (P_{ip} - P_{if}) : P_{if}}{C_i},$$

бу ерда, K_i - i-турдаги толали пахта хомашёси харид нархига оширувчи тузатиш коэффициенти, C_i - 1 тонна i-тур толали пахта хомашёсининг ўртача харид нархи, C_{i-1} - 1 тонна i-тур толали пахта хомашёсининг ўртача харид нархи, P_{ip} - i-тур толали пахта хомашёсини тайёрлашнинг тавсия этиладиган фоизи, P_{if} - i-тур толали пахта хомашёсини тайёрлашнинг амалда юзага келган фоизи.

i-тур толали пахта хомашёсини тайёрлашни камайтириш учун хомашё харид нархини пасайтирувчи тузатиш коэффиценти (K_i^*) қуйидаги алгоритм бўйича ҳисобланади:

$$K_i^* = \frac{C_i - (C_i - C_{i+1}) \times (\Pi_{i\phi} - \Pi_{ip}) : \Pi_{ip}}{C_i}$$

Тегишли маълумотлар асосида бажарилган ҳисоблашлар шуни кўрсатадики, учинчи тур толали пахта хомашёсини етиштириш ва тайёрлашнинг оширилишини рағбатлантириш учун 1,27 га тенг бўлган оширувчи тузатиш коэффиценти ва бешинчи тур тола берадиган пахта хомашёсини етиштириш ва тайёрлашни оширганлик учун жарима сифатида ушбу хомашёнинг амалдаги харид нархига 0,98 га тенг бўлган пасайтирувчи тузатиш коэффиценти қўллаш мумкин.

Диссертацияда келтирилган барча таклифлар пироварда сугориладиган ерларнинг сифатини яхшилашга, пахта ҳосилдорлигини оширишга, ишлаб чиқариш рентабеллигини ўсишига, қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасида тўловсизлик муаммосини ҳал этишга қўмаклашади, пахта ишлаб чиқариш таркиби ва пахта хомашёсини тайёрлаш энгил саноатнинг талабларига мослашади.

3. Хулоса

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг хўжаликларнинг тоифалари бўйича тақсимланиши шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон хўжаликларининг республика ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши пасаймоқда, фермер хўжаликларининг улуши эса ортмоқда. Бу тенденция фермер хўжаликларини ривожлантириш қондаларига тўлиқ мос келади. Ҳозирги вақтда кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналарида асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш салбий рентабелликка эга ва бу моддий харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қоплаш имкониятини бермайди. Шунинг учун ўз харажатини қоплашга эришиш муаммоси билан мамлакатнинг бутун иқтисодиётидаги тўланмасликлар муаммоси боғлиқ.

2. Пахта ва бедани алмашлаб экиш доирасида беданинг экилиши ва тупроққа органик ўғитнинг киритилиши тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш имконини беради. Аммо, қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришлар натижасида хўжаликларда озуқа экинларини экиш, шунингдек қорамолларнинг сони анча қисқариши ушбу чора – талбирларни тўлиқ амалга ошириш имконини бермаяпти. Сугориладиган ерлар унумдорлигининг пасайиши, уларни мелиоратив аҳволнинг ёмонлашуви пахта ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. Юзага келган вазиятни ўнглаш учун пахтачилик хўжаликларида пахта-дон ва бедани алмашлаб экишни тиклаш ва қорамоллар сонини кўпайтириш таклиф этилади.

3. Пахтачиликнинг барқарорлашувини ва ўсишини таъминловчи иқтисодий шарт-шароитларни яратиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил

қилиш талаб этилади. Бу пахтачилик хўжалигининг тўлов қобилияти нуқтан назаридан унинг ишончлилигига баҳо бериш, молиявий барқарорлик даражасини аниқлаш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги корхонаси молиявий барқарорлиги даражасининг мезони сифатида молиявий маблағларнинг етарлилиқ коэффициентини кўрсаткичларидан фойдаланиш таклиф этилади, ушбу кўрсаткичлар корхонанинг моддий харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда тушумлар ҳисобидан ўзининг омилий харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплай олиш имкониятларини таърифлайди. Хўжаликларнинг молиявий барқарорлиги даражаси бўйича гуруҳларга тақсимлашнинг такомиллаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган. Гуруҳларга кирган хўжаликлар молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган ва уни яхшилаш бўйича тегишли таклифлар берилган.

4. Ишлаб чиқариш омилларининг пахта ҳосилдорлигига таъсирини таҳлил қилиш учун ҳар бир омилнинг алоҳида таъсирини ҳисобга олувчи кўп омилли модел таклиф этилади. Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ тумани пахтачилик хўжаликларининг маълумотлари мисолида пахта ҳосилдорлиги даражаси ва 1 одам-соат учун иш ҳақи тўлаш ўртасидаги жуфт боғлиқлик модели тузилган. Корреляция коэффициентлари танлаб олинган омилларнинг бир-бирига боғлиқлигини тасдиқлайди.

5. Чорвачилик учун оптимал меъёрларни асослаш жинсий ва ёш белгилари бўйича ажратилган гуруҳлари бўлган қорамоллар подасининг айланмасини тузишга нисбатан янги ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилади. Амалдаги пода айланмалари озуқа сарфларининг зарур ҳажмини ва маҳсулот чиқишини аниқ белгилаш имконини бермайди, чунки улар бир йиллик ёш оралиғидаги қорамолларнинг йириклаштирилган гуруҳига эга, озиклантириш расионлари эса ярим йиллик оралиқдаги қорамоллар учун ишлаб чиқилган. Табақалаштирилган жинсий-ёш гуруҳига эга бўлган пода айланмасини тузиш бўйича таклиф этилган усул йирик шоҳли қорамоллар учун меъёрларни аниқ белгилаш имконини беради.

6. Нархнинг шаклланишидаги номувофиқлик иқтисодий тармоқларида такрор ишлаб чиқаришнинг тенгсиз иқтисодий шароитларини, тармоқлараро нозқвивалент алмашувни келтириб чиқаради, бу пировардида sanoat ва қишлоқ хўжалиги ўртасида кредиторликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Пахтачилик хўжаликларида юзага келган молиявий аҳвол қишлоқ хўжалигини молиялаш ва кредитлар тизимидаги камчилик билан эмас, балки тармоқлараро нозқвивалент алмашув ва нархларнинг номутаносиблиги туфайли келиб чиққан.

Пахтачиликнинг молиявий барқарорлигини, унинг бошқа тармоқлар билан эквивалент алмашувини таъминлаш пахта хомашёсининг илмий жиҳатдан асосланган нархларини шакллантиришни талаб қилади.

7. Диссертацияда баён этилган нархни асослашнинг имитацион модели пахта хомашёсининг илмий жиҳатдан асосланган нархларини ишлаб чиқиш имконини беради. Ушбу модел бўйича ҳисоб-китоблар республикадаги барча пахта ишлаб чиқарувчилари учун 2003 йилдаги иқтисодий шароитларда 1 тонна пахта хомашёси ўртача нархининг объектив шартланган даражасини асослаш имконини берди. Таклиф этилган усулдан фойдаланиб асосланган пахта харид нархи нафақат тасдиқланган бўлиши, балки у бўйича тайёрлаш ташкилотлари

ва пахтачилик хўжаликлари ўртасида қишлоқ хўжалиги йилининг бошидаёқ бўлажак ҳосил қиймагининг камида 40 фоизини олдиндан тўлаш шarti билан фьючерс шартномалари тузилиши керак. Бу пахтачилик хўжаликларига етказиб берувчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш, давлатга эса – қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги дебиторлик-кредиторлик қарзлари муаммосини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

8. Бозор иқтисодиёти шароитида пахта хомашёсини етиштириш ҳажми ва сифат таркиби тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг талаблари билан аниқланади. Улар юқори сифатли яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун пахта хомашёсининг тола тури ва саноат навларига ўз талабларини қўяди. Енгил саноат, зарур ҳолларда, ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пахта хомашёсини етиштириш ва тайёрлашнинг таркибига тезкор таъсир кўрсатиш мақсадида пахта хомашёси харид нархларининг амалдаги прејскурантига тузатиш коэффициентлари тизимини мунтазам ишлаб чиқиб туриши керак. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган тола турлари бўйича пахта хомашёси харид нархига оширувчи ва камайтирувчи тузатиш коэффициентларини ҳисоблаш моделлари ёрдамида саноат учун ўта зарур тола берадиган пахта хомашёсини етиштиришни рағбатлантириш ва саноат талаби баст бўлган тола берадиган пахта етиштиришни ва тайёрлашнинг чегаралаш мумкин.

4. Чоп этилган илмий ишлар рўйхати

1. Раҳманкулова Б.О. О критерии группировки ширкатных хозяйств для анализа их финансово-экономического состояния. Республика илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. ТИКХМИИ, 2002 й., 23-бет.

2. Раҳманкулова Б.О. Эконометрический анализ эффективности производства хлопка и использования ресурсов. «Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари» Республика илмий конференцияси маърузалар тўплами. УзР ФА Кибернетика ИИЧБ. 2002 й., 211-212-бетлар.

3. Раҳманкулова Б.О., Безбородов А.Г., Шодмонова Г. Эколого-экономические проблемы землепользования земельных отношений. Сб. докладов Международной научно-практической конференции «Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана», ТГАУ. 2003 г., с.34-39.

4. Раҳманкулова Б.О. Эконометрическая модель анализа эффективности использования ресурсов в хлопководстве. Тезисы докладов «Шестнадцатые Международные Плехановские чтения». Москва. 2003 г., с.514-515.

5. Раҳманкулова Б.О. Об оценке эффективности сельскохозяйственного производства. Тезисы докладов «Семнадцатые Международные Плехановские чтения». Москва. 2004 г., с.199-200.

6. Раҳманкулова Б.О. Пахта хомашёсини тайёрлаш сифатини бошқаришнинг иқтисодий механизми //Ўзбекистон иқтисодиёти ахборотномаси. 2004 й., №5-6, 8-9-бетлар.

7. Рахманкулова Б.О., Беркинов Б.Б. Об одном подходе к формированию объективно обусловленной цены на хлопок-сырец //Экономика и класс собственников. 2004 г. №1, с.43-45.

8. Рахманкулова Б.О., Умаров Б. Пахта ва галла ишлаб чиқариш хажмининг ўзаро боғлиқлигини эконометрик моделлари. Бакалаврият ва магистратура талабаларининг «Меҳр ва мурувват» йилига бағишланган «Қишлоқ ва сув хўжалиги муаммолари» илмий анжумани тезислари тўплами. ТИМИ.2004 й., 3-5 май, 60-бет.

9. Рахманкулова Б.О. Анализ факторов эффективности сельскохозяйственного производства. Тезисы докладов «Восемнадцатые Международные Плехановские чтения». Москва. 2005 г., с.301-302.

10. Рахманкулова Б.О., Беркинов Б.Б. Управления качеством. // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. 2005 й., №11, 18-19-бетлар.

11. Рахманкулова Б.О. Анализ финансово-экономического состояния сельскохозяйственных производств региона. Тезисы докладов «Девятнадцатые Международные Плехановские чтения». Часть II. Москва. 2006 г., с.305-306.

Тадқиқотчи:

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Раҳманқулова Барна Октамхановнанинг 08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги бўйича «Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини эконометрик тадқиқоти» мавзусидаги диссертациясининг

Қ И С Қ А Ч А М А З М У Н И

Калитли сўзлар: пахтачилик хўжаликлари, ишлаб чиқариш самарадорлиги, молиявий барқарорлик, пахта нархини шакллантириш, пахта толаси, сифатни бошқариш, эконометрик моделлаштириш, модель, алгоритм, ривожлантириш стратегияси.

Тадқиқот объектлари бўлиб Республика ва Тошкент вилояти Ўрта- Чирчик тумани пахтачилик хўжаликлари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: Янги аграр муносабатлар шаклланиши шароитида пахта ишлаб чиқарувчи хўжаликлар молиявий-иқтисодий аҳволини эконометрик таҳлил қилиш ва пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш усуллари ва моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот усуллари: Тизимли таҳлил, эконометрик ва иқтисодий-математик моделлаштириш, гуруҳлаш, иқтисодий таққослаш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги. Пахтачилик хўжаликлари ер, меҳнат ва бошқа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган. Пахтачиликда рентабелликнинг оптимал даражасига эришиш учун пахта хомашёси харид нархларини шакллантириш математик модели тавсия этилган. Енгил саноат талабларини қондирувчи пахта хомашёсини тайёрлашнинг оптимал таркибини шакллантириш мақсадида тола турлари бўйича амалдаги харид нархларга тузатишлар киритиш модели ва алгоритмлари асосланган.

Амалий аҳамияти. Олинган илмий ва амалий натижалар пахтачилик хўжаликлари самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларидан тежамли фойдаланиш, пахта хомашёси тайёрлашни оптимал таркибини шакллантириш, пахтачилик хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш йўлларини асослаш имкониятларини беради.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги. Диссертацияда ишлаб чиқилган пахтачилик хўжаликлари молиявий-иқтисодий фаолиятини баҳолаш, пахта нархини шакллантириш моделлари ва услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Тошкент вилояти вакилиги бошқармаси томонидан вилоят пахтачилик хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи иқтисодий шарт-шароитларни яратиш тадбирларини асослашда қўллаш учун қабул қилинган.

Амалга қўллаш соҳаси. Пахтачилик хўжаликлари молиявий-иқтисодий фаолиятини баҳолаш, пахта харид нархларини шакллантириш, пахта хомашёси тайёрлаш сифатини бошқариш жараёнларида қўлланилади.

Резюме диссертации Рахманкуловой Барна Октамхановны на тему «Эконометрическое исследование эффективности сельскохозяйственного производства» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06-«Эконометрика и статистика»

Ключевые слова: хлопководческие хозяйства, эффективность производства, финансовая устойчивость, формирование цен на хлопок, сорта волокна, управление качеством, эконометрическое моделирование, модель, алгоритм, стратегия развития.

Объектами исследования являются хлопководческие хозяйства Республики и Урта-Чирчикского тумана Ташкентского вилоята.

Цель работы. Целью настоящего диссертационного исследования является эконометрический анализ финансово-экономического состояния хлопководческих хозяйств и разработка методов и моделей повышения экономической эффективности производства хлопка в условиях формирования новых аграрных отношений.

Метод исследования. Методы системного анализа, эконометрического и экономическо-математического моделирования, группировок, экономического сравнения.

Полученные результаты и новизна. Разработаны эконометрические модели анализа и оценки эффективности использования земли, труда и других ресурсов производства и финансово-экономической устойчивости хлопководческих хозяйств. Для достижения оптимального уровня рентабельности в хлопководстве предложена математическая модель формирования закупочных цен на хлопок-сырец. В целях формирования оптимальной структуры заготовок хлопка-сырца, удовлетворяющей требованиям легкой промышленности, обоснована модель и предложен алгоритм внесения корректировки к действующим закупочным ценам по типам волокна.

Практическая значимость работы. Научные и практические результаты, полученные в диссертации, позволяют обосновать пути повышения эффективности хлопководческих хозяйств, рационального использования производственных и финансовых ресурсов, формирования оптимальной структуры заготовки хлопка-сырца и увеличения поголовья скота.

Уровень внедрения и экономическая эффективность. Разработанные методические рекомендации и модели оценки финансово-экономической деятельности хлопководческих хозяйств и формирования закупочных цен на хлопок приняты Ассоциацией дехканских и фермерских хозяйств Ташкентской области Республики Узбекистан для внедрения при обосновании мер по созданию экономических условий, обеспечивающих повышение эффективности сельскохозяйственного производства области.

Область применения. В процессе оценки финансово-экономической деятельности хлопководческих хозяйств, формирования цен на хлопок и в управлении качеством заготовки хлопка-сырца.

R e s u m e

of dissertation of Rahmankulova Barna Oktamxanovna on a theme «Econometric research of efficiency of an agricultural production» on competition of a scientific degree of the candidate of economic sciences on a speciality 08.00.06-«Econometrics and statistics»

Key words: the production efficiency, cotton-growing farms, financial stability, formation of the prices for a cotton, grades of a fibre, quality management, econometric modelling, model, algorithm, strategy of development.

Objects of research are cotton-growing farming of Republic, and also Urta-Chirchiksky area of the Tashkent region.

The purpose of work. The purpose of the present dissertational research is the econometric analysis of a financial and economic condition of cotton-growing farms and development of methods and models of increase of economic efficiency of production of a cotton in conditions of formation new agrarian relations.

Method of research. Methods of the system analysis, econometric and economy-mathematical modelling, a grouping, economic comparison.

The received results and novelty. Developed econometric models of the analysis and marks of efficiency of use of the ground, work and other resources of production and finance-economic stability of cotton-growing production. For achievement of an optimum level of profitability in cotton-growing the mathematical model of formation of procurement prices of a raw cotton is offered. With a view of formation of optimum structure of preparations of the raw cotton, meeting the requirements of light industry, the model is proved and the algorithm of entering of updating to working procurement prices is offered as a fibre.

The practical importance of work. The scientific and practical results received in the dissertation, allow to prove ways of increase of efficiency of cotton-growing farms, rational use industrial and financial resources, formation of optimum structure of preparation of a raw cotton and increase of a livestock of cattle.

Level of introduction and economic efficiency. The developed methodical recommendations and models of an estimation of financial and economic activity of cotton-growing farms and formations of procurement prices of a cotton are accepted by Association of dehqan enterprises and farms of the Tashkent area of Republic of Uzbekistan for introduction of substantiations of measures of creations of the economic conditions providing increases of efficiency of an agricultural production of region.

Area application. During a mark of financial and economic activity of cotton-growing farms, formation of the prices for a cotton and in quality management of preparation of a raw cotton.

Қоғоз бичими	1,1 б.т.
Босишга рухсат этилди	08.02.2006 й
Тиражи	100 нусха
Буюртма №	370

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
«ТАЛАБА» янги ахборот технологиялари марказининг
«RISO» нусха кўчириш техникасида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон
шоҳкўчаси, 49 – уй
e-mail: talaba@tsue.uz